

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ФАРГОНА  
ШАҲРИ МАСъУЛИЯТИ  
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ  
ШАКЛИДАГИ «НИМОЯ FAIR»  
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН  
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ ГОРОД  
ФЕРГАНА В ФОРМЕ  
ОБЩЕСТВА ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ  
«НИМОЯ FAIR»  
АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ

*O'zbekiston Respublikasi, Farg'ona viloyati, Farg'ona shahri, B.Marg'iloni ko'chasi, 70-uy 18-xonodon, X/r:  
20208000705410835001, INN: 308636111, MFO: 01131, Universal bank Farg'ona filiali, Telefon: +99893-244-  
55-58, +99893-980-55-75.*

## МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«YEROSTIGAZ» акциядоролик жамияти раҳбарияти ва бошқарувига.  
Манзил: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Еростигаз станцияси.

### Молиявий хисобот аудит натижалари бўйича ҳулоса

#### Салбий фикр:

Биз, «YEROSTIGAZ» акциядоролик жамиятининг (СТИР:200595877) Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия хисоби миллий стандартларига мувофиқ 2022 йил 31 декабрь холатига тузилган бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот, хусусий капитал тўғрисида хисобот, пул оқимлари тўғрисидаги хисобот ва бошига изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий хисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, ҳулосамизнинг “салбий фикр учун асослар” бўлимида муҳокама килинган масала муҳимлиги сабабли, молиявий хисоботлар «YEROSTIGAZ» акциядоролик жамиятининг 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий холатини, унинг 2022 йилдаги молиявий натижаларини ва пул оқимларини конунчиликка мувофиқ, барча муҳим жихатлари бўйича ҳакконий акс эттирумайди.

#### Салбий фикр билдириш учун асослар;

Жамиятнинг бухгалтерия хисобида (айланма ведности) ва тақдим килинган бухгалтерия баланс хисоботида акс эттирилган ўтган йиллар жамғарилган соф фойдаси кўрсаткичларида жамият молиявий фаолиятига жиддий таъсир қилувчи фарқлар мавжуд. Жамиятнинг соф фойдасини тақсимланиши молиявий хисоботларда нотўғри акс эттирилган. Жамиятнинг Резерв фонди уставида белгиланган миқдордан ортиқча шакилланган. Жамиятнинг тақдим қилган молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботи ва фойда солиги хисоботида акс эттирилган харажатлар таркиби кўрсаткичларида жиддий номутоносибликлар мавжуд.

Бундай холатлар бухгалтерия хисобининг миллий стандартларидан четта чиқиш хисобланади. Бу эса молиявий хисоботларнинг кўплаб элементларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Биз аудитни Аудитнинг Ҳалқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик.(МСА). Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу ҳулосанинг “Аудиторнинг молиявий хисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий хисоботларда муҳим бузуб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Биз олган аудиторлик далиллари салбий фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб хисоблаймиз.

#### Аудитнинг муҳим масалалари;

Биз “Салбий фикр билдириш учун асослар” бўлимида келтирилган масалаларга кўшимча равишда бошка аудитнинг муҳим масалалари йўклигини аниқладик.

## **Бошқа маълумотлар;**

Бошқа маълумотлар учун раҳбарият жавобгардир. Бизнинг молиявий ҳисоботлар хакидаги фикримиз бошқа маълумотларга таалуқли эмас ва биз ушбу бу маълумотлар бўйича ҳеч кандай ишончли хулосасини билдирамаймиз.

Молиявий ҳисобот аудитимиз билан боғлик ҳолда, бизнинг жавобгарлигимиз бошқа маълумотларни билан танишиш ва шу билан бирга, бошқа маълумотлар ва молиявий ҳисоботлар ўргасида жиддий номутоносибликлар бор-йўклиги аудит давомида олинган билимларимиз ёки бошқа маълумотларни кўриб чиқишдир. Агар биз бажарган ишларга асосланиб бундай бошқа маълумотлар жиддий нотўғри маълумотларни ўз ичига олади деган хулоса келсак биз бу фирмени хабар килингиз керак.

Бизнинг хулосамизда акс эттириш лозим бўлган ҳолатни аникламадик.

## **Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ёки бошқарув жавобгарлиги;**

«YEROSTIGAZ» акциядоролик жамиятининг мазкур молиявий ҳисоботни қонунчиликка мувофиқ тайёрлаш, шунингдек жамият раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган мухим бузуб кўрсатишлардан ҳоли молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

## **Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги;**

Бизнинг максадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч хосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Аудитнинг ҳалқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниклай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузуб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузуб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий карорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, мухим ҳисобланади.

Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ошкораликларга оид аудиторлик далилларини олиш учун аудиторлик процедураларини бажаришни ўз ичига олади. Аудиторлик процедураларини танлаш бизнинг фикримизга боғлик бўлиб, у фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий нотўғри кўрсатилиши хавфини баҳолашга асосланади. Ушбу хавфни баҳолаш жараённида биз топшириқ учун тегишли аудит процедураларини танлаш учун ишончли молиявий ҳисоботларни тайёрлашни таъминлайдиган ички назорат тизимини кўриб чиқдик. Аудит, шунингдек, қўлланилган ҳисоб сиёсатининг максадга мувофиқлигини ва текширилаётган корхона раҳбарияти томонидан олинган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек, умуман молиявий ҳисобот тақдимотини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз, шунингдек, корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустакиллигига тегишли барча ахлокий талабларга риоя килинганилиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустакиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

**МЧЖ «НИМОЯ-FAIR»**

**Аудиторлик ташкилоти раҳбарияти**

(Аудитор маълака сертификати  
14.10.2021 йилда №05754)

Манзили: Фарғона шаҳар

Б.Марғilonий кўчаси 70/18

Солиқ маслаҳатчisi Б.Нишинов  
29 май 2023 йил.



**Ш.Хатамов**

*Хулоса раками 89/05*